

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИ ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИДА ҲИСОБДОРЛИКНИНГ БУГУНГИ ХОЛАТИ ВА АСОСЛАРИ

З.Ш. Шаумаров

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси
фаолияти кафедраси катта ўқитувчиси, подполковник**
<https://doi.org/10.5281/zenodo.18410215>

Аннотация: мақолада ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати фаолиятида ташкил этилган ҳисобдорлик тизими, бугунги ҳолати, уни амалга ошириш учун ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида давлат сиёсатини белгилаб берувчи субъектлар, яъни Президент, Олий Мажлис, ҳамда қонунчилик ижросини таъминловчи Вазирлар Маҳкамаси, Ички ишлар вазирлиги томонидан қабул қилинган қонун, қарор, фармон, буйруқ ва бошқа ҳуқуқий асослар тизими ёритилган. Тадқиқотда ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати фаолиятида ҳисобдорликни ташкил этиш сабаблари, ҳуқуқий механизмлари, барча давлат органлари ва жамоатчиликда дахлдорлик хиссини уйғотувчи омиллар келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: ҳисобдорлик, ички ишлар органлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати, ҳуқуқий механизм, дахлдорлик, самарадорликни ошириш.

«Жавобгар» тушунчасига ўзбек тилининг изоҳли луғатида “Масъулиятни бўйнига олган, зиммасига маъулият юкланган шахс, масъул”; “Қилмиш хатти-ҳаракати учун жавоб берувчи, айбдор, гуноҳкор” мазмунида изоҳ берилган¹.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноятнинг содир этилишига туртки берган сабаб ва имконият яратган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан киритилган тақдимнома талабларини бажармаганлик учун жавобгарлик МЖТКнинг 196-моддаси билан тартибга солинган.

«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 49-моддасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузган айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлиши» белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 208-моддасида:

- ҳокимият ҳаракатсизлиги, яъни мансабдор шахснинг ўз хизмат вазифаси юзасидан бажариши шарт ва мумкин бўлган ҳаракатларни қасддан бажармаслиги фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқладиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёки жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, шунингдек, бундай ҳаракатсизлик жиноятга йўл қўйган ҳолда содир этилганлиги учун;

- тайёргарлик кўрилаётган оғир ёки ўта оғир жиноят ҳақида аниқ билгани ҳолда хабар бермаган ҳар қандай шахсга нисбатан жиноий жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 22 февралдаги «Бириктирилган ҳудудда ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятини баҳолаш

¹ <https://izoh.uz/uz/word/javobgar>

тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 137-сон қарори билан бириктирилган ҳудудда фаолиятини амалга оширувчи профилактика инспекторлари ва тезкор ходимларга нисбатан бир марталик пул ушланиши тарзидан иқтисодий таъсир чораларини қўллаш мезонлари ва тартиби белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сонли қарорига 1-илова, яъни «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси тўғрисидаги» Низом билан Комиссиянинг фаолияти тартибга солинган.

Хусусан, ваколатли органлар ва муассасалар (ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, шунингдек меҳнат, таълимни давлат томонидан бошқариш, давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш, табиатни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа давлат бошқаруви органлари раҳбарлари) ўз ваколатлари доирасида Комиссияга ҳар чоракда:

- жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар аҳволи тўғрисидаги ҳисоботларни;
- ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тўғрисидаги ҳисоботларни;
- жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш бўйича таклифларни тақдим этиши лозим.

«Болалар масалалари бўйича миллий комиссиялар тўғрисидаги Низом»га кўра ҳудудий комиссиялар ўз фаолиятида юқори турувчи комиссиялар олдида ҳисобдор эканлиги қатъий белгилаб қўйилган. Унга кўра, ҳудудий комиссиялар ўз фаолияти тўғрисида юқори турувчи комиссияларни ҳар чорак якунлари бўйича хабардор қилиб турадилар ва ҳисобот бериб борадилар.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрелдаги 474-сонли «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги қонунида ҳам Жамоатчилик назоратининг шаклларида бири сифатида жамоатчилик эшитуви ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшитиш масалалари назарда тутилган. (6-модда. Жамоатчилик назоратининг шакллари).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сонли Фармони билан 2017 йил 1 октябридан ички ишлар органларининг аҳоли олдида мунтазам ҳисобот бериб боришининг таъсирчан тизими жорий этилди:

- Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар ва вилоятлар Кенгашлари томонидан ҳар чоракда тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси ички ишлар вазири, Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқларининг ҳисоботлари эшителиди;

- халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашлари томонидан ҳар чоракда туман (шаҳар) ички ишлар бошқармалари (бўлимлари) бошлиқларининг ҳисоботлари ҳамда ҳар ойда уларнинг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари — ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлими (бўлинмаси) бошлиқларининг ҳисоботлари эшителиди.

Ички ишлар органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари эшителиётганда улар зиммасига юклатилган вазифалар бажарилиши юзасидан кўриляётган чоралар ва ишлар натижаси танқидий муҳокама қилиниши, улар фаолиятининг самарадорлигига алоҳида баҳо берилиши, шунингдек эгаллаб турган лавозимига лойиқ ёки нолойиқлиги ҳақида тавсиялар қабул қилиниши белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2833-сонли қарорига асосан Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича комиссия мутасадди давлат органлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги «Тошкент шаҳрида жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида»ги ПҚ-3528-сон қарори билан ҳисобот бериб боришининг таъсирчан тизими бўйича қуйидаги тартиб ўрнатилган:

а) Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг ўринбосари – Тошкент шаҳар ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи:

ҳар ўн кунда Тошкент шаҳар аҳолиси билан пойтахт ички ишлар органлари фаолияти масалалари бўйича маҳаллий телеканаллар эфирларида махсус кўрсатувларни бериб бориш орқали очиқ мулоқотни ўтказди;

ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Президентига пойтахтда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича амалга ошириляётган ишлар тўғрисида ҳисобот тақдим этади;

б) мувофиқлаштириш бошқармалари бошлиқлари ҳар чоракда, уларнинг ўринбосарлари эса ҳар ойда Тошкент шаҳри туманлари халқ депутатлари Кенгашлари мажлисларида ҳисобот берадилар, бунда улар томонидан юклатилган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан кўриляётган чора-тадбирлар танқидий руҳда муҳокама қилинади, уларнинг фаолияти самарадорлигига баҳо берилади, шунингдек, эгаллаб турган лавозимига лойиқ ёки нолойиқлиги тўғрисида тавсиялар қабул қилинади;

в) ички ишлар бўлимлари бошлиқлари ҳар ойда аҳоли олдида бириктирилган ҳудудларда, ҳар олти ой давомида ушбу ҳудудда истиқомат қилувчи барча оилаларни қамраб олган ҳолда, улар томонидан жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида қабул қилиляётган чоралар юзасидан ҳисобот берадилар;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2896-сонли қарори билан профилактика инспекторларининг ҳар ойда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига ҳисобот бериб бориши, профилактика инспекторларининг ҳисоботларини эшитиш якунларига кўра улар зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан кўриляётган чоралар ва иш натижалари танқидий муҳокама қилиниши, улар фаолиятининг самарадорлигига алоҳида баҳо берилиб, эгаллаб турган лавозимига

лойиқ ёки нолойиқлиги ҳақида тавсиялар қабул қилинишига доир амалиёт жорий этилган.

Ички ишлар органларининг таянч пунктлари профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ҳолати тўғрисидаги ҳисоботини фуқаролар йиғинларида эшитиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2017 йил 6 сентябрдаги 193-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Ички ишлар органлари таянч пунктлари профилактика инспекторларининг ҳисоботини фуқаролар йиғинларида эшитиш тартиби тўғрисидаги Низом» билан белгиланади.

Профилактика инспекторлари ўзларига бириктирилган маъмурий ҳудуд бўйича тегишли фуқаролар йиғинларида ҳар ой якуни бўйича ҳисобот беради.

Профилактика инспекторининг ҳисоботини эшитиш фуқаролар йиғини раиси, унинг маслаҳатчилари, таълим муассасалари, оилавий поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктлари вакиллари, фуқаролар йиғинидаги хонадонларда, кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи аҳоли, ички ишлар органининг ушбу ҳудудга масъул этиб бириктирилган раҳбари иштирокида амалга оширилади.

Профилактика инспекторининг ҳисоботини эшитиш куни фуқаролар йиғини кенгаши томонидан ички ишлар органининг ушбу ҳудудга масъул этиб бириктирилган раҳбари билан келишилган ҳолда белгиланади.

Йиғин ўтказилишидан уч кун олдин бу ҳақда фуқаролар йиғинида кўринарли жойга эълон осиб қўйилади ҳамда аҳолига етказиш чоралари кўрилади.

Профилактика инспекторининг ҳисоботини эшитиш бўйича ўтказиладиган йиғин фуқаролар йиғини раиси томонидан олиб борилади. Йиғин баённомаси фуқаролар йиғини раиси, фуқаролар йиғини масъул котиби, ички ишлар органининг ушбу ҳудудга масъул этиб бириктирилган раҳбари томонидан имзоланади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи орган ва муассасалар вакиллари профилактика инспекторларининг ҳисоботини эшитиш бўйича ўтказиладиган йиғинга фуқаролар йиғини томонидан таклиф этилади.

Профилактика инспекторлари қуйидаги асосий йўналишлар бўйича ҳисобот беради:

1) ҳуқуқбузарликлар профилактикасини, айниқса вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ташкил этиш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини, уларга имкон берувчи шарт-шароитларни аниқлаш, ўрганиш ва бартараф этиш;

2) вояга етмаганлар ва ёшлар билан уларни Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга, ёш авлодни терроризм, диний экстремизм, зўравонлик ва шафқатсизлик ғояларидан ҳимоялашга йўналтирилган ишларни бевосита амалга ошириш;

3) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш масалалари бўйича ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари, давлат органлари, ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ўзаро ҳамкорликни амалга ошириш;

4) ҳуқуқбузарликларни аниқлаш ва уларга чек қўйиш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича махсус профилактик чора-тадбирларни, шунингдек, ҳуқуқбузарликларни содир этишга мойил шахслар билан профилактик ишларни амалга ошириш;

5) ўқувчиларнинг таълим муассасаларидаги давоматини назорат қилиш, ижтимоий хавфли ҳолатда бўлган ва таълим муассасаларига қатнамайдиган вояга етмаганлар ва ёшлар, шунингдек, ушбу тоифадаги шахсларнинг ота-оналари билан профилактик ишларни олиб бориш.

Профилактика инспекторлари ҳисобот бериш жараёнида қонун ҳужжатларига мувофиқ қўриқланадиган давлат ва хизмат сирларини ҳимоя қилиши ҳамда инсонларнинг шахсий ва оилавий сирларининг дахлсизлигини таъминлаши лозим.

Профилактика инспекторларининг фуқаролар йиғинларида ҳисобот бериши муайян сабабларга кўра мумкин бўлмай қолган ҳолларда (профилактика инспектори вақтинча меҳнатга лаёқатсиз бўлганда, бошқа лавозимга ўтганда, нафақага чиққанда) ушбу ҳудудга масъул этиб бириктирилган ички ишлар органи раҳбари фуқаролар йиғини раиси билан келишилган ҳолда ҳисобот бериш учун бошқа кунни белгилайди.

Ҳудудга хизмат кўрсатувчи профилактика инспектори лавозимига янги ходим тайинланса, ушбу ҳудудга масъул этиб бириктирилган ички ишлар органи раҳбари фуқаролар йиғини раиси иштирокида аҳолига профилактика инспектори лавозимига янги тайинланган ходимни таништиради.

Профилактика инспектори лавозимга тайинланган кундан бошлаб амалга оширган ишлари юзасидан фуқаролар йиғинида ҳисобот беради.

Профилактика инспекторлари фаолиятига аҳоли томонидан ҳаққоний баҳо берилишини таъминлаш мақсадида фуқаролар йиғини раиси ҳудуддаги ҳовлилар, уйлар, кўчалар ва маҳаллалардаги аҳоли (уларнинг вакиллари) қатнашишини таъминлайди. Ўтказиладиган йиғинга фуқароларни турли сабаблар билан қатнашишини тақиқлашга йўл қўйилмайди.

Профилактика инспекторларининг ҳисоботларини эшитиш якунларига кўра улар зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан кўрилаётган чоралар ва иш натижалари танқидий муҳокама қилинади, улар фаолиятининг самарадорлигига алоҳида баҳо берилади ҳамда эгаллаб турган лавозимига лойиқ ёки нолойиқлиги ҳақида тавсиялар қабул қилинади ҳамда ички ишлар органи бошлиғига тақдим этилади.

Профилактика инспекторининг фаолиятига баҳо бериш йиғин қарори билан белгиланади. Фуқаролар йиғини унда катнашиш ҳуқуқига эга бўлган барча аҳолининг ярмидан кўпроғи ҳозир бўлган тақдирда ваколатли.

Фуқаролар йиғинини чақиришнинг имкони бўлмаганда фуқаролар вакилларининг йиғилиши ўтказилади. Фуқаролар вакилларининг йиғилиши унда фуқароларнинг ҳовлилар, уйлар, кўчалар ва маҳаллалардаги вакилларининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлган тақдирда ваколатли.

Фуқаролар йиғинида (фуқаролар вакилларининг йиғилишида) қарор унда қатнашганларнинг кўпчилики овози билан қабул қилинади.

Овозлар тенг бўлган тақдирда йиғинни олиб боровчи масъулларнинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Профилактика инспекторлари ҳисобот беришга тайёргарлик кўриш жараёнида ўзларига бириктирилган маъмурий ҳудуддаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи орган ва муассасалардан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотларни олади.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни. // URL: <http://www.lex.uz>.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги 2017 йил 11 сентябрь Қонуни. // URL: <http://www.lex.uz>;
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги 2016 йил 16 сентябрь Қонуни. // URL: <http://www.lex.uz>;
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. – № 15. – 243-м.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сонли Фармони.// URL: <http://www.lex.uz>.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сонли қарори.// URL: <http://www.lex.uz>.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 апрелдаги «Ички ишлар органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-2883-сонли Қарори // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами.– 2017. – № 15. – 247-м.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 18 апрелдаги ПҚ-2896-сонли қарори.// URL: <http://www.lex.uz>.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2021 йил 02 апрелдаги ПҚ-5050-сонли қарори.// URL: <http://www.lex.uz>.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 6 июлдаги “Болалар масалалари бўйича миллий комиссия тўғрисидаги низомни ва Болалар масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) комиссиялари тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 363-сон қарори: <https://lex.uz/docs/6098369>.